

IEC Президенти
**Иньбяо ШУ**



ISO Президенти
**Эдди НЬОРОГЕ**



ITU Бош котиби
**Хоулинь ЧЖАО**

# САЙЁРАНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН СТАНДАРТЛАР

## 2020 – БУТУНЖАҲОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ КУНИГА ХАТ

Ер – Қуёш тизими кенглигидаги ҳаётнинг нозик идиши. Ердаги ҳаёт Қуёшдан чиқаётган энергияга боғлиқ. Аммо оҳирги юз йилликда замонавий цивилизация антропоген ва катта кўламдаги саноат фаолияти Ернинг табиий парникли газларини кўпайтирди. Улар сайёрамиз иқлимига ва шу билан бирга ҳаётнинг барча турларигасалбий таъсир кўрсатади. Шу вақтда аҳолини ўсиши ва кенг урбанизация чекланган ресурслардан масъулиятли фойдаланишни талаб қилади.

Сайёрага инсон таъсирини камайтириш учун бизга сиёсий ирода, аниқ ҳаракатлар ва самарали инструментлар керак. Халқаро стандартлар – шу инструментлардан бири. IEC, ISO ва ITU ишлаб чиқарилган стандартлар техник муаммоларни вақт билан синалган ечимларни ҳисобга олади. Улар ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларда эксперт ноу-хау ва тажриба алмашишда ёрдам беради. Стандартлар энергия тежашни, сув ва ҳаво сифатини барча томондан қамраб олади, синов усуллари ва жараёнларини ўрнатади. Уларнинг кенг қўлланиши атроф муҳитга саноат ишлаб чиқариш ва жараёнлари таъсирини пасайтиришга, чекланган ресурслардан қайта фойдаланишга ёрдам беради ва энергия самадорлигини оширади.

IEC Президенти **Иньбяо ШУ,**
ISO Президенти **Эдди НЬОРОГЕ,**
ITU Бош котиби **Хоулинь ЧЖАО**